

**Асосий иқтисодий ва ижтимоий  
кўрсаткичлар**

	млрд. сўм	2008 йил январ–декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
Ялпи ички маҳсулот	48097,0	108,1
Саноат маҳсулоти	28009,3	109,0
Истеъмол товарлари	8809,0	113,9
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	12642,6	105,7
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	12531,9	124,8
Қурилиш ишлари	6862,5	133,1
Юк айланмаси, млрд. тн–км	78,1	93,1
Йўловчи айланмаси, млрд. йўловчи–км	71,0	109,6
Чакана товар айланмаси	16488,9	116,6
Пуллик хизмат кўрсатиш	6298,0	112,9
Ташқи савдо айланмаси, млн. АҚШ долл.	21209,6	100,1
Экспорт	11771,3	102,4
Импорт	9438,3	97,3

	млрд. сўм	2008 йил январ–декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
--	-----------	--

**Ялпи ички маҳсулот  
ишлаб чиқариш**


2009 йилнинг январ–декабрида ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) номинал қиймати 48097,0 млрд. сўмни ташкил қилди. Унинг реал ҳажмининг ўсиш суръати ўтган йилнинг январ–декабрига нисбатан 108,1 фоизга тенг бўлди.

ЯИМ умумий ҳажмининг 81,3 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат секторида, 18,7 фоизи давлат секторида ишлаб чиқарилди.


ЯИМнинг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши қуйидагича:








якунга нисбатан фоиз ҳисобида

2008й.



2009й.




-  Давлат мулки
-  Нодавлат мулки
-  Фуқаролар хусусий мулки
-  Фермер ва деҳқон хўжаликлари мулки
-  Хўжалик бирлашмалари мулки
-  Қўшма корхоналар мулки
-  Бошқа нодавлат мулкчилик шакллари


**ЯИМ ишлаб чиқаришнинг тармоқлар бўйича таркиби қуйидагича ифодаланади:**

**яқунга нисбатан фоиз ҳисобида**

Январ-декабр  
2008й.



Январ-декабр  
2009й.



- Маҳсулотлар ишлаб чиқариш
- Хизмат кўрсатиш
- Маҳсулотлар ва экспорт-импорт операцияларига соф солиқлар

ЯИМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 50,1 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2008 йилга нисбатан 1,9 фоизга ўсди. Шу жумладан кичик корхона ва микрофирмалар томонидан ЯИМнинг 31,2 фоизи ишлаб чиқарилиб, 2008 йилга нисбатан 1,7 фоизга кўпайди.

Ҳудудлар бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот реал ҳажмининг сезиларли ўсиши Тошкент шаҳри (113,0 фоиз), Наманган (109,9 фоиз), Самарқанд (109,7 фоиз) ва Андижон (109,6 фоиз) вилоятларида кузатилди.

### Корхоналар ва ташкилотлар фаолиятининг умумий таърифи

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2010 йилнинг 1 январ ҳолатига иқтисодиётнинг барча тармоқларида рўйхатга олинган юридик шахслар сони 503,4 мингтага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 471,8 мингтани (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 93,7 фоизи) ташкил қилди.

Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо ва умумий овқатланиш (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 26,3 фоизи), қишлоқ хўжалиги (фермер хўжаликларисиз 22,8 фоизи), саноат (11,6 фоизи) ва қурилиш (7,9 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2010 йилнинг 1 январ ҳолатига корхона ва ташкилотлар

иқтисодиёт тармоқлари (фермер хўжаликларисиз) бўйича қуйидагича тақсимланади:


	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	минг бирлик	яқунга нисбатан фоизда	минг бирлик	яқунга нисбатан фоизда
<b>Жами</b>	<b>274,4</b>	<b>100,0</b>	<b>245,2</b>	<b>100,0</b>
<b>шу жумладан:</b>				
<b>саноат</b>	<b>31,7</b>	<b>11,6</b>	<b>26,4</b>	<b>10,8</b>
<b>қурилиш</b>	<b>21,7</b>	<b>7,9</b>	<b>18,0</b>	<b>7,4</b>
<b>қишлоқ ва ўрмон хўжалиги</b>	<b>62,6</b>	<b>22,8</b>	<b>60,2</b>	<b>24,5</b>
<b>транспорт ва алоқа</b>	<b>8,6</b>	<b>3,1</b>	<b>7,7</b>	<b>3,1</b>
<b>моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа турлари</b>	<b>14,9</b>	<b>5,5</b>	<b>13,3</b>	<b>5,4</b>
<b>савдо ва умумий овқатланиш</b>	<b>72,3</b>	<b>26,3</b>	<b>59,6</b>	<b>24,3</b>
<b>аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турлари</b>	<b>3,8</b>	<b>1,4</b>	<b>3,3</b>	<b>1,4</b>
<b>соғлиқни сақлаш ва жисмоний тарбия</b>	<b>10,2</b>	<b>3,7</b>	<b>9,7</b>	<b>3,9</b>
<b>таълим, маданият ва санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатиш</b>	<b>19,2</b>	<b>7,0</b>	<b>18,8</b>	<b>7,7</b>
<b>бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари</b>	<b>29,3</b>	<b>10,7</b>	<b>28,2</b>	<b>11,5</b>

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 92,7 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 54,3 фоизи фермер ва деҳқон хўжаликлари, 20,8 фоизи хусусий корхоналар, 0,9 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,3 фоизи акциядорлик жамиятлари, 16,4 фоизи бошқа мулкчилик шакллари.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар–юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

1 январ ҳолатига,

## умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



2009 йилда жами 45,7 мингта янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (республика бўйича руйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 16,1 фоизи), Қашқадарё (10,6 фоизи), Фарғона (9,3 фоизи) ва Андижон (8,4 фоиз) вилоятларига тўғри келади.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича янги ташкил топган корхоналарнинг 24,5 фоизи қишлоқ хўжалигига, 26,1 фоизи савдо ва умумий овқатланиш, 14,9 фоизи саноат соҳаларига тўғри келади.

2009 йилнинг январ–декабрида 27,0 мингта корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 4,2 минг нафари ихтиёрий равишда тугатилган. Фаолияти тугатилган корхоналарнинг аксарият қисми Тошкент шаҳрига (республика бўйича тугатилган жами корхоналарнинг 16,9 фоизи), Сурхондарё (10,5 фоизи), Фарғона (9,5 фоизи), Бухоро (9,3 фоизи), Наманган (8,8 фоизи) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси (9,0 фоизи) га тўғри келган.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича фаолияти тугатилган корхоналарнинг 31,9 фоизи савдо ва умумий овқатланиш, 28,8 фоизи қишлоқ хўжалиги, 13,4 фоизи саноат соҳасига тўғри келган.

2009 йил январ–декабрида ЯИМ ва иқтисодиётнинг асосий тармоқларида ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати қуйидагича ифодаланади:

## умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



## Кичик тадбиркорлик (бизнес)

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган изчил ислохотлар шу секторда юқори ўсиш даражасига эришишни таъминлади.

Ҳисобот даврида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

ялпи ички маҳсулотнинг 50,1 фоизи (2008 йил январ-декабрида 48,2 фоиз) ишлаб чиқарилди;

8402,3 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 74,2 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 6446,2 минг нафари хусусий сектор, 1956,1 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 21,5 фоизга ўсди ва 4739,4 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 16,9 фоизи) ташкил қилди;

асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 2966,6 млрд. сўми (инвестициялар умумий ҳажмининг 23,7 фоизи) ўзлаштирилди, 2855,8 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 41,6 фоизи) бажарилиб, 17,4 фоизга ўсди;

автомобил транспортида юк айланмаси 8,3 фоизга (республика жами автомобил транспорти юк айланмасининг 73,4 фоизи), йўловчи айланмаси 8,7 фоизга кўпайиши (умумий йўловчи айланмасининг 81,7 фоизи) таъминланди;

чакана савдо айланмаси умумий ҳажмининг 46,5 фоизи ёки 7671,0 млрд. сўми (ўсиш 12,8 фоиз) ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш умумий ҳажмининг 48,7 фоизи ёки 3067,6 млрд. сўми (ўсиш 13,3 фоиз) шакллантирилди;

1723,6 млн. АҚШ доллари (экспорт умумий ҳажмининг 14,6 фоизи) миқдорида маҳсулотлар экспорт қилинди (2008 йил январ-декабрига нисбатан 121,4 фоиз), 4015,1 млн. АҚШ доллари (импорт умумий ҳажмининг 42,5 фоизи) миқдорида маҳсулотлар импорт қилинди (2008 йил январ-декабрига нисбатан 116,0 фоиз).




2009 йил январ–декабрида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) ҳажмидаги хусусий тадбиркорлик (фуқаролар мулки) маҳсулотининг улуши қуйидагича ифодаланади:

	кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, фоиз ҳисобида
Саноат	4739,4	33,9
Қишлоқ хўжалиги	12375,1	100,0
Қурилиш	2855,8	68,5
Чакана савдо	7671,0	76,4
Пуллик хизмат	3067,6	93,2
Юк ташиш, млн.тн	388,9	86,0
Йўловчи ташиш, млн.киши	4354,9	97,6
Экспорт, млн. АҚШ долл.	1723,6	5,3
Импорт, млн. АҚШ долл.	4015,1	17,7

2009 йил январ–декабрида кичик тадбиркорлик субъектларининг хусусий секторида иш билан банд бўлганлар сони 7791,7 минг кишини ва жами соҳада банд бўлганларнинг 92,7 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича яратилган маҳсулот ҳажмидаги (ишлар, хизматлар) кичик тадбиркорликнинг улуши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



### Корхона ва объектларни хусусийлаштириш

Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитасининг маълумотларига кўра, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш Дастурини амалга ошириш жараёнида ҳисобот даврида 135 та корхона ва объектлар (кейинги ўринларда – объектлар) хусусийлаштирилди.

Хусусийлаштирилган объектлар умумий сонининг асосий қисми Тошкент шаҳри (республика бўйича хусусийлаштирилган объектларнинг 36,3 фоизи), Тошкент (14,1 фоизи), Сурхондарё (10,4 фоизи) ва Фарғона (8,9 фоизи) вилоятларига тўғри келган.

Хусусийлаштирилган давлат мулки таркибида асосий улушни маҳаллий ҳокимиятлар (59,3 фоиз), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (17,8 фоиз), Халқ таълими вазирлиги (4,4 фоиз), Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ОТМК (2,2 фоиздан), «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва НКМК

(1,5 фоиздан) объектлари ташкил қилади.

2009 йилнинг январ–декабрида вазирлик ва идоралар бўйича хусусийлаштирилган объектлар таркиби қуйидагича ифодаланади:

	хусусийлаштирилган объектлар сони, бирлик	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	135	100,0
шу жумладан:		
Маҳаллий ҳокимиятлар	80	59,3
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	24	17,8
Халқ таълими вазирлиги	6	4,4
Соғлиқни сақлаш вазирлиги	3	2,2
ОТМК	3	2,2
«Ўзпахтасаноат» уюшмаси	2	1,5
НКМК	2	1,5
Бошқалар	15	11,1

2009 йилнинг январ–декабрида хусусийлаштириш ва давлат та-  
сарруфидан чиқаришдан тушган пул маблағлари 35,7 млрд. сўмни  
ташкил қилди.

Пул маблағларининг асосий қисми Тошкент шаҳрига (хусусий-  
лаштиришдан олинган барча пул маблағларининг 45,4 фоизи), Фарғона  
(15,3 фоиз), Тошкент (10,8 фоиз), Самарқанд (6,4 фоиз), Бухоро (3,9 фо-  
из) ва Хоразм (3,4 фоиз) вилоятларига тўғри келади.

### Ташқи иқтисодий алоқалар


2009 йилда ташқи савдо айланмаси 21209,6 млн. АҚШ долларини  
ташкил қилди ва 2008 йилга нисбатан 0,1 фоизга ортди. Шу жумладан  
экспорт 11771,3 млн. АҚШ долларини, импорт 9438,3 млн. АҚШ  
долларини ташкил қилди.

Ижобий ташқи савдо баланси 2333,0 млн. АҚШ долларини, шу жумладан МДҲ давлатлари билан – –163,6 млн. АҚШ доллари, бошқа мамлакатлар билан – 2496,6 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

Республика ташқи савдо айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	(млн. АҚШ доллари)	
	2009й.	2008 йилга нис- батан фоиз ҳисобида
<b>Ташқи савдо айланмаси</b>	<b>21209,6</b>	<b>100,1</b>
<b>шу жумладан:</b>		
МДҲ мамлакатлари	8006,2	92,5
бошқа мамлакатлар	13203,4	105,3
<b>Экспорт</b>	<b>11771,3</b>	<b>102,4</b>
<b>шу жумладан:</b>		
МДҲ мамлакатлари	3921,3	99,9
бошқа мамлакатлар	7850,0	103,7
<b>Импорт</b>	<b>9438,3</b>	<b>97,3</b>
<b>шу жумладан:</b>		
МДҲ мамлакатлари	4084,9	86,3
бошқа мамлакатлар	5353,4	107,7

Ташқи савдо айланмасида МДҲ ва бошқа мамлакатларнинг улуши қуйидагича ифодаланади:




### Экспорт ва импорт ҳажмининг ўзгариш динамикаси ва таркиби

	таркиби, фоиз ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида
	2008й.	2009й.	2008 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Экспорт</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>102,4</b>
пахта толаси	9,3	8,6	94,9
озиқ-овқат маҳсулотлари	4,5	6,0	139,0
улардан истеъмол маҳсулотлари	4,2	5,6	136,4
кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	5,6	5,0	90,9
энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	24,7	34,2	142,2
қора ва рангли металллар	7,0	5,0	72,3
машина ва ускуналар	7,6	2,9	38,4
хизматлар	10,4	8,8	85,9
бошқалар	30,9	29,5	98,0

	таркиби, фоиз ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариш, фо- из ҳисобида
	2008й.	2009й.	2008 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Импорт</b>	<b>100,0</b>	<b>100,0</b>	<b>97,3</b>
<b>озиқ-овқат маҳсулотлари</b>	<b>8,3</b>	<b>9,0</b>	<b>105,5</b>
шундан ишлаб чиқаришга мўлжалланган истеъмол маҳсулотлари	5,4	4,8	86,0
<b>кимё ва ундан тайёрланган маҳсулотлар</b>	<b>11,6</b>	<b>11,1</b>	<b>92,7</b>
<b>энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари</b>	<b>4,6</b>	<b>3,5</b>	<b>72,5</b>
<b>қора ва рангли металллар</b>	<b>7,7</b>	<b>6,3</b>	<b>80,3</b>
<b>машина ва ускуналар</b>	<b>52,4</b>	<b>56,5</b>	<b>105,0</b>
<b>хизматлар</b>	<b>4,4</b>	<b>4,4</b>	<b>96,7</b>
<b>бошқалар</b>	<b>11,0</b>	<b>9,2</b>	<b>81,6</b>

Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



**Республика ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси:**

	Республика товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида	2008 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Россия</b>	<b>21,0</b>	<b>104,9</b>
<b>Хитой</b>	<b>9,7</b>	<b>135,8</b>
<b>Швейцария</b>	<b>7,9</b>	<b>151,1</b>
<b>Украина</b>	<b>7,2</b>	<b>79,0</b>
<b>Қозоғистон</b>	<b>6,2</b>	<b>78,9</b>
<b>Корея Республикаси</b>	<b>5,8</b>	<b>108,2</b>
<b>Афғонистон</b>	<b>3,3</b>	<b>134,6</b>
<b>Туркия</b>	<b>3,2</b>	<b>80,8</b>
<b>Эрон</b>	<b>2,7</b>	<b>101,0</b>


	Республика товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида	2008 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Германия	2,2	89,0
АҚШ	1,7	90,9
Франция	0,9	85,0
Туркманистон	0,9	139,3
Тожикистон	0,8	101,0
Латвия	0,8	60,3
Қирғизистон	0,8	59,8
Буюк Британия	0,8	76,5
Италия	0,8	144,9
Белорусия	0,7	96,2
Япония	0,7	78,8
Ҳиндистон	0,6	137,3
БАА	0,6	134,2
Австрия	0,5	145,9
Сингапур	0,4	52,9
Белгия	0,3	94,6
Нидерландия	0,3	55,7
Озарбайжон	0,2	64,7

2009 йилнинг январ–декабрида МДҲ ва бошқа давлатлар билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби қуйидагича ифодаланади:




## Экспорт

МДХ




Бошқа давлатлар




## Импорт

МДХ



Бошқа давлатлар



- Пахта толаси
- Озиқ-овқат маҳсулотлари
- Кимё ва пластмасса маҳсулотлари
- Энергия манбалари
- Қора ва рангли металллар
- Машина ва ускуналар
- Хизматлар
- Бошқалар

## Саноат

2009 йилнинг январ–декабрида саноат маҳсулоти ҳажми 28009,3 млрд. сўмни ёки 2008 йилнинг январ–декабрига нисбатан 109,0 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 8809,0 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2008 йилнинг январ–декабрига нисбатан ўсиш суръати 113,9 фоизни ташкил этди. Жумладан, 3631,6 млрд. сўмлик озиқ–овқат маҳсулотлари ва 5177,4 млрд. сўмлик ноозиқ–овқат моллари (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан мос равишда 107,0 фоиз ва 119,3 фоиз) ишлаб чиқарилди.


2009 йилнинг январ–декабрида саноат тармоқлари бўйича маҳсулот ҳамда истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиши қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2008 йил январ– декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами</b>	<b>28009,3</b>	<b>109,0</b>
<b>шу жумладан:</b>		
<b>электроэнергетика</b>	<b>2484,0</b>	<b>101,2</b>
<b>ёқилғи</b>	<b>6008,9</b>	<b>110,3</b>
<b>қора металлургия</b>	<b>684,1</b>	<b>108,4</b>
<b>рангли металлургия</b>	<b>3265,2</b>	<b>102,6</b>
<b>кимё ва нефт–кимё саноати</b>	<b>1326,2</b>	<b>111,0</b>
<b>машинасозлик ва металлни   қайта ишлаш</b>	<b>4541,8</b>	<b>117,4</b>
<b>ўрмон, ёғочни қайта ишлаш   ва целлюлоза–қоғоз саноати</b>	<b>296,7</b>	<b>119,1</b>
<b>қурилиш материаллари саноати</b>	<b>1325,5</b>	<b>108,7</b>
<b>енгил саноат</b>	<b>3408,4</b>	<b>106,0</b>

озиқ-овқат саноати	3135,8	108,2
Истеъмол товарлари	8809,0	113,9
шу жумладан:		
озиқ-овқат маҳсулотлари	3631,6	107,0
ноозиқ-овқат маҳсулотлари	5177,4	119,3

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда тармоқлар улуши қуйида келтирилган:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



**Саноат тармоғи бўйича асосий маҳсулот  
турларини ишлаб чиқариш  
(йирик корхоналар бўйича)**

	2009 йил январ–декабр	2008 йил январ– декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Ёқилғи –энергетика саноати</b>		
Электроэнергия, млрд. кВт. соат	50,0	99,7
Иссиқлик энергияси, млн. Гкал	18,7	93,2
Нефт ва газ конденсати, млн. тн	4,5	92,7
Бензин, минг тн	1621,9	110,8
Дизел ёқилғиси, минг тн	1302,3	101,2
Мазут, минг тн	498,6	92,4
Керосин, минг тн	405,7	112,2
Мой, минг тн	278,5	106,6
Суюқлантирилган газ, минг тн	246,1	99,3
Табиий газ, млн. куб. м	61408,2	96,2
<b>Қора металлургия саноати</b>		
Пўлат, минг тн	731,7	106,7
Тайёр прокат, минг тн	687,1	106,9
<b>Кимё ва нефт–кимё саноати</b>		
Сунъий аммиак, минг тн	1265,3	98,8
Минерал ўғитлар, минг тн	1073,2	100,8
Карбамид, минг тн	512,8	111,3
Ўсимликларни кимёвий ҳимоялаш воситалари, тн	4120,0	2,4м.

	2009 йил январ–декабр	2008 йил январ– декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Олтингугурт кислотаси, минг тн	954,6	103,2
Кимёвий тола ва иплар, тн	13595,0	107,5
Калцийлаштирилган сода, минг тн	76,8	108,2
<b>Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати</b>		
Енгил автомобиллар, дона	205011,0	105,1
Юк автомобиллар, дона	722,0	162,6
Автобуслар, дона	1317,0	84,6
Автомобил эҳтиёт қисмлари, млн.сўм	177315,1	103,6
Тракторлар, дона	2737,0	112,3
Трактор культиваторлари, дона	1852,0	104,5
Музлатгичлар ва совутгичлар, дона	17421,0	2,8м.
Кабель маҳсулотлари, млн.сўм	140,0	94,2
<b>Қурилиш материаллари саноати</b>		
Цемент, минг тн	6852,8	103,1
Шифер, млн. шартли плитка	469,6	108,2
Йиғма темирбетон конструкциялари ва деталлар, минг куб. м.	145,4	106,7
<b>Шиша ва фарфор–фаянс буюмлар ишлаб чиқариш саноати</b>		
Дераза ойнаси (2 мм қалинликда ҳисоблаганда), минг кв. м	10267,1	82,7
Бутилкалар, млн. дона	202,4	81,7
<b>Енгил саноат</b>		
Пахта толаси, минг тн	1055,3	89,9

	2009 йил январ–декабр	2008 йил январ– декабрига нисбатан фоиз ҳисобида
Чигит, минг тн	1578,9	86,7
Ипак тола, тн	271,4	100,3
Пахта ип калаваси, минг тн	145,5	100,7
Трикотаж маҳсулотлари, минг дона	33968,0	98,9
Трикотаж матоси, тн	11251,0	108,0
Чулки–пайпоқ маҳсулотлари, минг жуфт	89,0	5,2м.
Тикув маҳсулотлари, млн.сўм	31367,4	102,2
Гилам ва гилам маҳсулотлари, минг кв.м	2360,2	95,2
<b>Озиқ–овқат саноати</b>		
Сут ва сут маҳсулотлари, минг тн	20,8	103,5
Шакар, минг тн	275,1	108,2
Ўсимлик ёғи, минг тн	223,3	75,4
Макарон маҳсулотлари, минг тн	23,1	138,7
Ароқ ва ароқ–ликер маҳсулотлари, минг дал	9435,0	111,8
Вино, минг дал	2107,0	96,9
Пиво, минг дал	18112,1	111,9
Маъданли сув, млн. ярим литр	226,1	100,7
Папирос ва сигаретлар, млн. дона	12747,0	121,9
<b>Ун–ёрма ва омихта ем саноати</b>		
Ун, минг тн	1270,1	89,3
Омихта ем, минг тн	798,0	114,8


## Қишлоқ хўжалиги

2009 йилнинг январ–декабрида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 12642,6 млрд. сўмни ташкил қилди ёки 2008 йилнинг январ–декабрига нисбатан 5,7 фоизга ошди. Жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари 7224,0 млрд. сўмни (2008 йил январ–декабрига нисбатан 105,9 фоиз), чорвачилик маҳсулотлари–5418,6 млрд. сўмни (105,5 фоиз) ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида деҳқон хўжалиklarининг улуши 63,3 фоизни, фермер хўжалиklarининг улуши 34,5 фоизни, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг улуши 2,2 фоизни ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжалик тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

### умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Деҳқончилик. 2009 йилнинг январ–декабрида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотлари улуши 57,1 фоизни ташкил этди.

Дастлабки маълумотларга кўра, барча тоифадаги хўжаликларда 2009 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалик экинларининг умумий майдони 3608,5 минг га.ни ташкил қилди.

Бошоқли дон экинлари билан банд бўлган экин майдони 1610,6 минг гектарни, буғдой экин майдони 1354,6 минг гектарни ташкил қилди. Пахта экин майдони 1347,1 минг гектарни ташкил этди.

Картошка экин майдонлари 4,9 фоизга, сабзавот экин майдони 1,9 фоизга, полиз экин майдони 4,3 фоизга, озуқа экинлари майдони 8,7 фоизга ўсди.

2009 йилда барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 7391,6 минг тонна дон экинлари ишлаб чиқарилиб, шу жумладан 6916,4 минг тоннаси бошоқли дон, шундан 6637,7 минг тоннаси буғдойни ташкил этади.

Давлат эҳтиёжи учун сотилган бошоқли дон экинлари 2596,5 минг тоннани, шу жумладан, буғдой 2517,0 минг тоннани ташкил қилди.

Барча тоифадаги хўжаликларда асосий донли экинлар ишлаб чиқаришнинг таркиби қуйидагича ифодаланади:

(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)


	2009й. январ–декабр	
	минг тонна	Якунга нисбатан фоиз ҳисобида
Донли экинлар	7391,6	100,0
шу жумладан:		
бошоқли экинлар	6916,4	93,6
шундан:		
буғдой	6637,7	89,8
дон учун маккажўхори	230,8	3,1
шоли	194,4	2,6
бошқалар	50,0	0,7



Ҳисобот даврида 1524,5 минг тонна картошка (2008 йилга нисбатан 109,0 фоиз), 5704,7 минг тонна сабзавот (109,3 фоиз), 1071,0 минг тонна полиз экинлари (109,2 фоиз), 1542,9 минг тонна мева ва резаворлар (110,0 фоиз) ва 899,6 минг тонна узум (113,7 фоиз) йиғиб олинди.

Барча тоифадаги хўжаликларда дон экинларининг турлари бўйича таркиби:

Йиғилган жами ҳосилга нисбатан фоизда



**Чорвачилик.** 2009 йилнинг январ–декабрида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида чорвачилик маҳсулотларининг улуши 42,9 фоизни ташкил этди.

2010 йилнинг 1 январ ҳолатига йирик шоҳли қорамоллар 8510,8 минг бошга (6,1 фоизга), шу жумладан сигирлар 208,6 минг бошга (6,3 фоизга), қўй ва эчкилар 878,9 минг бошга (6,5 фоизга), паррандалар 3527,4 минг бошга (12,0 фоизга) кўпайди.

Йирик шоҳли қорамоллар умумий сонидан 93,1 фоизи деҳқон хўжаликларида, сигирлар 94,4 фоизни, қўй ва эчкилар 78,1 фоизни, чўчқалар 75,8 фоизни, паррандалар 64,3 фоизни, йирик шоҳли қорамоллар умумий сонидан 5,8 фоизи фермер хўжаликларида, сигирлар 4,8 фоизни, қўй ва эчкилар 7,6 фоизни, чўчқалар 10,4 фоизни, паррандалар 10,5 фоизни ташкил этди.

Барча тоифадаги хўжаликларда 1367,7 минг тонна (тирик вазнда) гўшт (2008 йилга нисбатан 6,2 фоизга кўп), 5779,0 минг тонна сут (6,5 фоизга кўп), 2715,9 млн. дона тухум (11,8 фоизга кўп), 25,0 минг тонна жун (5,1 фоизга кўп), 897,9 минг дона қоракўл тери (0,1 фоизга кўп), 24,0 минг тонна пилла (2,2 фоизга кўп) етиштирилди.

Хўжалик тоифалари бўйича чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:

	2009й. январ–декабр	2008 йилга нисбатан фоизда
Гўшт (тирик вазнда), минг тн.	1367,7	106,2
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	35,4	109,5
деҳқон хўжаликлари	1300,0	106,3
қишлоқ хўжалик корхоналари	32,3	100,5
Сут, минг тн.	5779,0	106,5
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	176,5	116,5
деҳқон хўжаликлари	5573,5	106,2
қишлоқ хўжалик корхоналари	29,0	117,7
Тухум, млн. дона	2715,9	111,8
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	209,9	135,3
деҳқон хўжаликлари	1630,1	108,6
қишлоқ хўжалик корхоналари	875,9	113,3
Жун, тн.	24980	105,1
шу жумладан:		

	2009й. январ–декабр	2008 йилга нисбатан фоизда
фермер хўжаликлари	1439	113,0
деҳқон хўжаликлари	20646	104,6
қишлоқ хўжалик корхоналари	2895	104,8
Қоракўл тери, минг дона	897,9	100,1
шу жумладан:		
фермер хўжаликлари	42,3	110,5
деҳқон хўжаликлари	584,9	107,4
қишлоқ хўжалик корхоналари	270,7	86,2
Пилла, минг тн.	24,0	102,2

Деҳқон хўжалиklarининг улуши гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида 95,1 фоизни, сун ишлаб чиқаришда 96,4 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 60,0 фоизни, жун ишлаб чиқаришда 82,7 фоизни, қоракўл териси ишлаб чиқаришда 65,1 фоизни ташкил этди.

**Фермер хўжаликлари.** 2009 йилнинг январ–декабрида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 4366,7 млрд.сўмни ташкил қилди ва 2008 йилнинг январ–декабрига нисбатан 107,8 фоизга ошди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти умумий ҳажмида фермер хўжалиklarининг улуши 34,5 фоизни ташкил этди.

Фермер хўжалиklarига бириктирилган умумий ер майдони 5828,4 минг гектарни ташкил қилди.

2010 йилнинг 1 январ ҳолатига фермер хўжалиklarида йирик шохли қорамоллар 496,6 минг бошни (2009 йилнинг 1 январига нисбатан 3,3 фоизга кўп), шу жумладан сигирлар 168,6 минг бошни (3,8 фоизга), қўй ва эчкилар 1097,7 минг бошни (9,0 фоизга), паррандалар 3475,3 минг бошни (36,9 фоизга) ташкил қилди.

Фермер хўжалиklarида асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш қуйидагича ифодаланади:

	2009й.		2008 йилга нисбатан фоизда
	Минг тхонна	Улуши фоиз ҳисобида	
Донли экинлар	6014,4	81,4	112,9
Пахта	3375,9	99,2	100,1
Картошка	276,0	18,1	121,8
Сабзавотлар	1997,2	35,0	116,3
Полиз экинлари	536,5	50,1	116,2
Мевалар	736,7	47,7	113,4
Узум	496,2	55,2	121,8
Гўшт	35,4	2,6	109,5
Сут	176,5	3,1	116,5
Тухум, млн. дона	209,9	7,7	135,3
Жун, тонна	1439,0	5,8	113,0
Қоракўл, минг дона	42,3	4,7	110,5
Пилла, тонна	23225,7	96,9	104,2

2009 йилда дон ишлаб чиқаришда фермер хўжалиklarининг улуши 81,4 фоизни (2008 йилда – 79,2 фоиз), пахта етиштиришда 99,2 фоизни (99,1 фоиз), картошка етиштиришда 18,1 фоизни (16,2 фоиз), сабзавот етиштиришда 35,0 фоизни (32,9 фоиз), полиз экинларини етиштиришда 50,1 фоизни (47,1 фоиз), мева етиштиришда 47,7 фоизни (46,3 фоиз), узум етиштиришда 55,2 фоизни (51,5 фоиз) ташкил қилди.

Пиллачилик. 2009 йилда 23972,6 тонна пилла хом ашёси тайёрланган бўлиб, (2008 йилга нисбатан 102,2 фоиз), шундан 0,9 тоннаси олий нав, 14,4 тоннаси элита нав, 176,1 тоннаси уруғлик, 9402,6 тоннаси биринчи нав, 6654,2 тоннаси иккинчи нав, 822,0 тоннаси ностандарт, 5298,8 тоннаси навсиз, 1603,6 тоннаси қорапачоқдир.

## Инвестициялар ва қурилиш

2009 йилнинг январ–декабрида асосий капиталга киритилган ин–

вестициялар 12531,9 млрд. сўми, 2008 йилнинг январ–декабрига нисбатан 124,8 фоизни ташкил қилди.

2009 йилнинг январ–декабрида мулкчилик шакллари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:

якунга нисбатан фоиз ҳисобида

шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича

	жами инвестициялар, млрд. сўм	шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича				
		рес– пуб– лика бюдже– ти	кор– хоналар ва аҳо– ли маб– лағлари	чет эл инвес– тиция– лари ва кредит– лари	банк кредит– лари ва бошқа қарз маб– лағлари	бюд– жетдан ташқар и фонд– лар маб– лағлари
Жами	12531,9	8,1	46,9	32,4	5,2	7,4
шу шумладан мулкчилик шакллари бўйича:						
давлат	3001,3	33,9	29,3	13,8	1,5	21,5
нодавлат	9530,6	0,0	52,4	38,2	6,4	3,0

Иқтисодиёт тармоқларида асосий капиталга киритилган инвестициялар таркиби қуйидаги кўринишда:


	млрд. сўм	умумий ҳажмга нисбатан фоизда
Жами	12531,9	100,0
Ишлаб чиқариш тармоқлари	9491,2	75,7

	млрд. сўм	умумий ҳажмга нис- батан фоизда
<b>саноат</b>	<b>3556,9</b>	<b>28,4</b>
<b>шу жумладан:</b>		
ёқилғи-энергетика	1759,1	14,0
металлургия	517,1	4,1
кимё ва нефт-кимё	232,4	1,8
машинасозлик	335,7	2,7
енгил саноат	170,6	1,4
озиқ-овқат	188,1	1,5
қурилиш материаллари	209,8	1,7
қишлоқ хўжалиги	385,6	3,1
қурилиш	354,6	2,8
транспорт ва алоқа	3935,5	31,4
савдо ва умумий овқатланиш	314,7	2,5
геология и ер ости бойликларини излаш	855,3	6,8
бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари	88,6	0,7
Ноишлаб чиқариш тармоқлари	3040,7	24,3
уй-жой қурилиш	1186,9	9,5
коммунал хўжалик	232,6	1,8
соғлиқни сақлаш	158,3	1,3
таълим	1012,4	8,1
маданият ва санъат	24,8	0,2
бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлари	425,7	3,4

Асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий ҳажмининг 9491,2 млрд. сўми ёки 75,7 фоизи ишлаб чиқариш тармоқларига йўналтирилди, ноишлаб чиқариш тармоқларига 3040,7 млрд.сўм ёки 24,3 фоизи йўналтирилди.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича чет эл инвестиция ва кредитларини ўзлаштириш қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоизда



**Ижтимоий соҳа объектларини қуриш**

Ноишлаб чиқариш тармоқларига киритилган инвестицияларнинг 1186,9 млрд.сўм уй-жой қурилиши соҳасида ўзлаштирилди, ёки умумий ҳажмга нисбатан 39,0 фоизни ташкил этди.

2009 йилнинг январ-декабрида умумий майдони 7613,3 минг кв. м. бўлган 64,4 мингта уй-жой (2008 йил январ-декабрига нисбатан 105,2 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида-5089,4 минг кв.м. (103,8 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди.

Умумтаълим мактабларини қуриш ва қайта таъмирлашда 360,8 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 11,9 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 35,6 фоизини ташкил қилди.

Умумтаълим мактабларини қуриш ва қайта таъмирлаш учун ишлатилган инвестицияларнинг умумий ҳажмидан 82,0 фоизи мактаб фонди, 8,7 фоизи болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига тўғри келди.

Академик–лицейлар ва касб–ҳунар коллежларини қуриш ва қайта таъмирлашда 533,4 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 17,5 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 52,7 фоизини ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 118,3 млрд. сўм, шундан бюджет маблағлари ҳисобига 40,4 млрд. сўм (умумий ҳажмидан 34,2 фоизи), аҳоли маблағлари ҳисобига 11,3 млрд. сўм (9,6 фоизи), чет эл инвестицияси ва кредитлари ҳисобига 53,9 млрд. сўм (45,6 фоизи), газ тармоқлари қурилишига 9,1 млрд. сўм, шундан 99,98 фоизи аҳоли маблағлари ҳисобига инвестициялар ўзлаштирилди.



Қурилиш фаолияти. 2009 йилнинг январ–декабрида 6862,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2008 йилнинг январ–декабрига нисбатан 133,1 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 80,6 фоизи янги қурилиш, корхоналарни реконструкция қилиш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, 15,4 фоизи капитал, жорий таъмирлаш ва 4,0 фоизи бошқа пудрат ишларига тўғри келади.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари таркиби қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида





- Давлат мулки
- Фуқаролар хусусий мулки
- Хўжалик бирлашмалари мулки
- Қўшма корхоналар, чет эл фуқаролари ва ташкилотлари мулки
- Бошқа мулкчилик шакллари

## Транспорт

**Юк ташиш.** 2009 йилда барча транспорт турлари томонидан 1095,7 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2008 йилга нисбатан 113,4 фоизни, юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 78,1 млрд.тн-км.ни ва 2008 йилга нисбатан 93,1 фоизни ташкил этди.


Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	2009й.	2008 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	1095,7	113,4
темир йўл транспортида	65,7	104,5

	2009й.	2008 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
автомобил транспортида	976,9	118,2
ҳаво транспортида, минг тн	14,8	2,5р.
қувур йўллари орқали	53,1	69,5
Юк айланмаси, млрд. тн-км	78,1	93,1
темир йўл транспортида	24,2	103,4
автомобил транспортида	23,2	110,2
ҳаво транспортида, млн. тн-км	104,1	123,9
қувур йўллари орқали	30,6	77,8

Транспорт турлари бўйича юк ташиш таркибининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:

юк ташишнинг умумий ҳажмига  
нисбатан фоиз ҳисобида



2009 йилда асосий юкларни магистрал темир йўл транспортида ташиш қуйидагича ифодаланади:

	минг тонна	2008 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Юклар – жами</b>	<b>65694,3</b>	<b>104,5</b>
<b>шу жумладан:</b>		
тошкўмир	3408,2	102,7
нефт маҳсулотлари	16450,5	105,1
қора металллар	1142,3	95,6
қора метал темир–терсаклари	1031,4	107,9
кимёвий ва минерал ўғитлар	5546,1	116,3
қурилиш материаллари	9205,4	99,9
цемент	6631,2	103,0
ёғоч–тахта материаллари	139,2	55,1
дон ва янчилган дон маҳсулотла- ри	1562,9	82,9

Автомобил транспортида 976,9 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу 2008 йилга нисбатан 18,2 фоизга кўп. Юк айланмаси 10,2 фоизга кўпайди ва 23,2 млрд. тн–км.ни ташкил қилди.

Хусусий юк ташувчилар автомобил транспортининг юк айланмаси 2008 йил даражасидан 7,1 фоизга кўпайди ва 16,1 млрд. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 69,7 фоизни ташкил этди (2008 йилда – 71,7 фоиз).

Ҳаво транспорти орқали 14,8 минг тонна юк жўнатилиб, 2008 йилга нисбатан 2,5 мартага кўпайди, юк айланмаси эса 104,1 млн.тн-км.ни ташкил қилиб ёки 23,9 фоизга кўпайди.

Магистрал қувур йўллари юк айланмаси 2008 йилга нисбатан 22,2 фоизга камайиб, 30,6 млрд. тн-км.ни ташкил қилди.

Йўловчи ташиш. 2009 йилда барча транспорт турлари томонидан 5697,3 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич 2008 йилга нисбатан 8,2 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси 9,6 фоизга кўпайиб, 71,0 млрд. йўловчи-км.ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	2009й.	2008 йилга нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	5697,3	108,2
темир йўл транспортида	14,0	108,2
автомобил транспортида	5575,7	108,8
ҳаво транспортида	1,5	101,0
шаҳар электр транспортида	106,1	86,0
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	71018,8	109,6
темир йўл транспортида	2609,0	105,3
автомобил транспортида	62833,6	112,4
ҳаво транспортида	4918,9	87,3
шаҳар электр транспортида	657,3	87,9

Йўловчи ташишда энг катта улуш автомобил транспортига тўғри келди – 97,9 фоиз, йўловчи айланмасида – 88,5 фоизни ташкил қилди.

2009 йилнинг январ-декабрида темир йўл транспортида йўловчилар жўнатиш 8,2 фоизга кўпайди ва 14,0 млн. йўловчини ташкил этди,

йўловчи айланмаси 5,3 фоизга ўсди ва 2609,0 млн. йўловчи-км.ни ташкил этди.

Ҳаво транспорти орқали 1541,2 мингта йўловчи ташилди, бу 2008 йилга нисбатан 1,0 фоизга кўпдир, йўловчи айланмаси эса тегишли равишда 4918,9 млн. йўловчи-км ва 12,7 фоизга камайди.

Троллейбус транспорти орқали 41,2 фоизга, трамвай транспорти орқали 20,4 фоизга, метрополитен транспорти орқали 7,3 фоизга кам йўловчи ташилган.

## Товарлар ва хизматлар бозори

2009 йилда чакана товар айланмаси 16488,9 млрд. сўмни ташкил этди ва 2008 йилга нисбатан 116,6 фоизни ташкил қилди.

Чакана товар айланмасида озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши 47,8 фоизни, ноозиқ-овқат маҳсулотлари 52,2 фоизни ташкил қилди (2008 йилда мос равишда – 51,6 ва 48,4 фоиз).

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2008 йилга нисбатан фо- из ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фо- из ҳисобида
Жами	16488,9	116,6	100,0
давлат мулки	22,9	75,4	0,1
нодавлат мулки	16466,0	116,7	99,9
ундан фуқароларнинг ху- сусий мулки	11933,5	114,5	72,4

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2009 йилда 7162,6 млрд. сўмни ташкил қилиб, 29,4 фоизга ошган. Чакана савдо айланмаси таркибида савдо корхоналарининг улуши 43,4 фоизни ташкил қилди (2008 йилда 39,1 фоиз).

Қишлоқ жойлардаги савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси умумий товар айланмасининг 24,3 фоизини ташкил қилди.

Деҳқон бозорлари томонидан ҳисобот даврида қишлоқ хўжалик товарлари ва қорамол сотиш ҳажми 8,9 фоизга ошди ва 5617,8 млрд. сўмга етди, унинг товар айланмаси умумий ҳажмидаги улуши 34,1 фоизни ташкил қилди.

Норасмий секторнинг (буюм бозорлари ва ихтисослаштирилган бозорлар) товар айланмаси 3708,5 млрд. сўмни ташкил қилди ёки 2008 йилга нисбатан 7,5 фоизга ошган. Товар айланмасининг умумий ҳажмида унинг улуши 22,5 фоизни ташкил қилди.

2009 йилда чакана савдо айланмаси таркиби қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2008 йилга нисбатан фоиз ҳисобида	умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Чакана товар айланмаси</b>	<b>16488,9</b>	<b>116,6</b>	<b>100,0</b>
шу жумладан:			
савдо корхоналари	7162,6	129,4	43,4
бозорлар	9326,3	108,4	56,6
улардан:			
буюм бозорлари ва ихтисослаштирилган бозорлар	3708,5	107,5	22,5
деҳқон (озиқ-овқат) бозорлари	5617,8	108,9	34,1

Аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми 6298,0 млрд. сўмни, унинг ўсиш суръати 2008 йилга нисбатан 112,9 фоизни ташкил қилди.

Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишнинг асосий қисми расмий сектор томонидан амалга оширилиб (65,9 фоиз), бу секторда хизматлар ҳажми 4151,6 млрд. сўмни, ўсиш суръати эса 115,7 фоизни ташкил қилди.

Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми 7,7 фоизга ўсиб, 2146,4 млрд. сўмни, пуллик хизматлар умумий ҳажмидаги улуши эса 34,1 фоизни ташкил этди.

Аҳолига кўрсатилган умумий пуллик хизматлар ҳажмида нодавлат сектори улуши 80,2 фоизни ташкил қилди (2008 йилда – 80,3 фоиз).

2009 йилда хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича аҳолига кўрсатган хизматлар ҳажми қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм.	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	6298,0	100,0
давлат мулки	1244,1	19,8
нодавлат мулки	5053,9	80,2
шундан:		
фуқароларнинг хусусий мулки	2508,5	39,8

Пуллик хизматлар умумий ҳажмида маиший хизматлар 10,3 фоизни ёки 647,9 млрд. сўмни ташкил қилди. Уларнинг ҳажми 2008 йилга нисбатан 18,7 фоизга ошди. Маиший хизматларнинг 85,9 фоизи хусусий тадбиркорлар томонидан амалга оширилиб, ушбу секторнинг хизматлар ҳажми 556,5 млрд. сўмни, ўсиш суръати эса 119,3 фоизни ташкил қилди.

2009 йилда иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар ҳажми 26455,8 млрд. сўмни, шу жумладан қишлоқ жойларида 6626,8 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 25,0 фоизини ташкил қилди. 2008 йилга нисбатан ўсиш 16,7 фоизни ташкил этди.

2009 йилда хизматлар ишлаб чиқариш турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	млрд. сўм	2008 йилга нисбатан фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

	млрд. сўм	2008 йилга нисбатан фоиз ҳисобида	умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида
<b>Жами хизматлар</b>	<b>26455,8</b>	<b>116,7</b>	<b>100,0</b>
<b>шу жумладан асосий турлари   бўйича:</b>			
Савдо ва овқатланиш хизматла- ри	4560,3	121,8	17,2
Транспорт хизматлари	8373,4	110,4	31,7
Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари, ахборот-ресурс марказлари хизматларини қўшган ҳолда	1898,0	121,6	7,2
Молиявий хизматлар, микрокредитлар беришни қўшган ҳолда	2129,1	124,7	8,0
Туризм-саёҳат хизматлари	56,9	130,4	0,2
Меҳмонхона хизматлари	86,6	112,3	0,3
Коммунал хизматлар	3483,7	101,1	13,2
Маиший хизматлар	430,7	122,6	1,6
Автомобиллар ва бошқа маиший техникаларни таъмирлаш	234,3	130,2	0,9
Бошқа хизматлар, болалар соғломлаштириш ва спорт муассасалари хизматларини қўшган ҳолда	5202,8	128,6	19,7

Туризм-саёҳат хизматлари (130,7 фоиз), автомобиллар ва бошқа маиший техникаларни таъмирлаш (130,2 фоиз), молиявий хизматлар, микрокредитлар беришни қўшган ҳолда (124,7 фоиз), маиший хизматлар (122,6 фоиз), савдо ва овқатланиш хизматлари (121,8 фоиз), алоқа



ва ахборотлаштириш хизматлари, ахборот-ресурс марказлари хизматларини қўшган ҳолда (121,6 фоиз) юқори ўсиш суръатларига эришилди.

Хизматлар таркибида турлари бўйича энг катта улуш транспорт (жами хизматларнинг 31,7 фоизи), савдо ва овқатланиш (17,2 фоизи), коммунал (13,2 фоизи), молиявий (8,0 фоизи) ва алоқа ва ахборотлаштириш (7,2 фоизи) хизматларига тўғри келди.

## Нарх-наво ва инфляция

### Январ-декабрда нархлар ва тарифлар индексларининг ўзгариши (наrx-навонинг ўсиши фоиз ҳисобида)

	Ўртача ойлик даражаси		Декабр оyi ўтган йилнинг декабрига нисбатан	
	2008й.	2009й.	2008й.	2009й.
<b>Истеъмол нархлари индекси</b>	<b>0,6</b>	<b>0,6</b>	<b>7,8</b>	<b>7,4</b>
озиқ-овқат маҳсулотлари	0,2	0,5	2,7	6,3
ноозиқ-овқат маҳсулотлари	0,6	0,3	7,7	3,1
хизматлар	2,0	1,3	27,2	17,3
<b>Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекси</b>	<b>0,6</b>	<b>2,2</b>	<b>7,7</b>	<b>29,5</b>
<b>Юк ташиш тарифларининг индекси</b>	<b>5,0</b>	<b>0,05</b>	<b>80,2</b>	<b>0,6</b>
<b>Юридик шахсларга кўрсатиладиган алоқа хизматлари тарифларининг индекси</b>	<b>-0,5</b>	<b>0,4</b>	<b>-6,1</b>	<b>5,0</b>

### Январ-декабрда саноат тармоқлари бўйича ишлаб чиқарувчилар нархларининг индекслари (ўтган йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)

	2008й.	2009й.
<b>Жами</b>	<b>107,7</b>	<b>129,5</b>
<b>шу жумладан:</b>		
электроэнергетика	136,3	106,9
ёқилғи	112,8	122,6
қора металлургия	114,7	163,0
рангли металлургия	39,1	237,5
кимё ва нефт-кимё	133,3	99,0
машинасозлик	112,8	101,7
ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз	121,4	102,9
қурилиш материаллари	116,6	101,0
енгил саноат	121,1	110,5
озиқ-овқат саноати	133,4	112,4
ун-ёрма саноати	143,2	116,9

**Январ-декабрда транспорт турларида  
юк ташиш тарифларининг индекси  
(ўтган йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)**

	2008й.	2009й.
<b>Юк транспорти – жами</b>	<b>180,2</b>	<b>100,6</b>
<b>шу жумладан:</b>		
темир йўл транспорти	129,9	116,0
автомобил транспорти	127,6	117,4
ҳаво транспорти	148,5	126,6
қувур йўллари	199,5	93,9

**Январ-декабрда юридик шахслар учун  
алоқа хизматлари тарифларининг индекси  
(ўтган йилнинг декабрига нисбатан фоиз ҳисобида)**

	2008й.	2009й.
<b>Жами хизматлар</b>	<b>93,9</b>	<b>105,0</b>
<b>шу жумладан</b>		

	2008й.	2009й.
почта алоқаси	124,7	100,0
шаҳар телефон алоқаси	100,0	102,4
шаҳарлараро телефон алоқаси	100,0	100,0
телеграф алоқаси	119,2	119,5
уяли алоқа	82,5	109,6

### Аҳоли турмуш даражаси

Аҳолининг номинал пул даромадлари 2009 йилнинг январ–ноябрида 36,4 фоизга, аҳолининг пул харажатлари ва жамғармалари 34,7 фоизга кўпайди.

2009 йилнинг январ–ноябрида аҳолининг номинал пул даромадлари ва харажатлари таркиби қуйидагича ифодаланади:

	салмоғи, фоизда	2008 й. январ–ноябрига нисбатан фоиз ҳисобида
Жами даромадлар	100,0	136,4
шу жумладан:		
меҳнатга ҳақ тўлаш ва корхоналардан олинган бошқа даромадлар	36,8	130,0
ижтимоий трансфертлар	16,0	138,6
тадбиркорлик даромадлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотишни қўшган ҳолда, мол–мулкдан олин- ган ва бошқа даромадлар	47,2	141,0
Жами харажатлар ва жамғармалар	97,3	134,7
шу жумладан:		

	салмоғи, фоизда	2008 й. январ–ноябрга нисбатан фоиз ҳисобида
истеъмол харажатлари	71,8	131,3
мажбурий тўловлар ва бадаллар	7,4	132,1
омонатлар, қимматли қоғозларга жойлаштириш, ҳамда валюта ха- рид қилиш ҳисобига жамғармаларнинг ўсиши ва бошқа харажатлар	18,1	151,4

Аҳолининг истеъмол харажатлари 31,3 фоизга кўпайди ва уларнинг улуши пул даромадларининг умумий ҳажмида 71,8 фоизни ташкил этди. Мажбурий тўловлар ва бадалларга ҳақ тўлаш харажатлари улуши 7,4 фоизни, омонатлар, қимматли қоғозларга жойлаштириш, жумладан валюта харид қилиш ҳисобига жамғармаларнинг улуши 18,1 фоизни ташкил этди.

Аҳоли пул даромадлари сарфланишининг таркиби қуйидагича ифодаланади:

Январ–ноябр	аҳоли пул да- ромад- лари, жами	(пул даромадларига нисбатан фоизда) улардан қуйидагиларга фойдала- нилди:			аҳоли пул қолди- ғининг ўзга- риши
		товар со- тиб олиш ва хиз- матларга тўловлар	мажбу- рий тў- ловлар ва бадаллар	жамғармалар ва қимматли қоғозлар, ва- люта харид қилиш ва бошқалар	
2008й.	100,0	74,6	7,7	16,2	1,5
2009й.	100,0	71,8	7,4	18,1	2,7

## Демография ва меҳнат бозори

Дастлабки маълумотларга кўра, 2010 йилнинг 1 январ ҳолатига мавжуд аҳоли сони 28000,8 минг кишини ташкил қилди ва 2009 йилнинг

1 январига нисбатан 467,4 минг кишига ёки 1,7 фоизга кўпайди.

Аҳолининг табиий ўсиши 519,0 минг кишини ташкил этди. Улардан 299,0 минг ёки 57,6 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келади.

2009 йилнинг январ–декабрида аҳолининг табиий ҳаракати қуйидагича ифодаланади:

	минг киши	ўсиш, камайиш(–)	ҳар 1000 кишига
Туғилганлар	649,7	3,6	23,3
Ўлганлар	130,7	–8,1	4,7
шу жумладан бир ёшгача болалар	7,3	–0,7	11,9 <sup>*)</sup>
Табиий ўсиш	519,0	11,7	18,6
Никоҳлар	277,6	27,4	10,0
Ажралишлар	17,2	0,8	0,6

2009 йилнинг январ–декабрида туғилганлар сони 649,7 минг кишини ташкил қилди ва 2008 йилнинг январ–декабрига нисбатан 3,6 минг кишига ёки 0,6 фоизга кўпайди, туғилиш коэффициенти 23,6 промилледан 23,3 промиллега камайди.

Туғилиш даражасининг камайиши Сирдарё (24,3 дан 22,8 промиллега), Наманган (24,4 дан 23,0 промиллега), Самарқанд (25,6 дан 24,2 промиллега) ва Сурхондарё (25,9 дан 24,6 промиллега) вилоятларида кузатилди.

Ўлим даражасининг камайиши республиканинг барча вилоятларида кузатилди. Ўлим даражасининг сезиларли камайиши Тошкент шаҳри (7,8 дан 7,1 промиллега), Андижон (5,1 дан 4,6 промиллега), Хоразм (4,8 дан 4,3 промиллега) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (5,4 дан 4,9 промиллега) кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан 58,9 фоизи қон айланиш системаси касалликларидан, 7,6 фоизи ўсма касалликларидан, 6,6 фоизи бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан, 6,3 фоизи нафас олиш органи касалликларидан вафот этган.

<sup>\*)</sup> ҳар 1000 та туғилганга

Дастлабки маълумотларга кўра, 2009 йил январ–декабрида бир ёшга тўлмай ўлган болалар сони 7,3 мингтани ташкил қилди. Гўдаклар ўлими коэффиценти 2008 йилдаги 12,5 промилледан 11,9 промиллега камайди.

Жами бир ёшга тўлмай ўлган болалардан 49,4 фоизи перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан, 33,5 фоизи нафас олиш органлари касалликларидан, 7,4 фоизи туғма аномалиялардан ва 3,3 фоизи инфекция ва паразитлар билан касалланганлиги сабабли вафот этган.

2009 йилнинг январ–декабрида 277,6 минг никоҳ рўйхатга олинди, ажралишлар сони эса 17,2 мингтани ташкил қилди. Минг аҳолига 10,0 никоҳ ва 0,6 ажралишлар тўғри келмоқда.

Ишсизлик<sup>\*)</sup>. 2009 йилда меҳнат бўлимларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб 658,2 минг фуқаро мурожаат қилди. Бу 2008 йилга нисбатан 5,6 фоизга кўпдир.

Ишга жойлашиш мақсадида меҳнат бўлимларида рўйхатда турган аҳолининг 0,6 фоизи 16 ёшдан 18 ёшгача, 54,3 фоизи 18 ёшдан 30 ёшгача, 43,0 фоизи 30 ёшдан 50 ёшгача бўлганларни ташкил қилади.

2009 йилда меҳнат бўлимларида иш қидирувчи сифатида рўйхатда турганлар сони 20,1 минг нафарни ташкил этган (2008 йилда 22,9 минг киши) ёки 12,0 фоизга камайган.

Ишга жойлашиш мақсадида меҳнат бўлимларида рўйхатда турган аҳолининг аксарияти Тошкент шаҳрида – 4,2 минг (республика миқёсида жами рўйхатда турганларнинг 20,7 фоизи), Қашқадарё вилоятида – 2,3 минг киши (11,7 фоизи), Сурхондарё вилоятида – 2,1 минг киши (10,3 фоиз), Навоий вилоятида – 1,5 минг киши (7,4 фоиз) ва Фарғона вилоятида – 1,4 минг киши (7,1 фоизи) тўғри келади.

Меҳнат бўлимлари томонидан 566,3 минг фуқаро (барча мурожаат этганларнинг 86,0 фоизи) ишга жойлаштирилган бўлиб, бу 2008 йилга нисбатан 1,7 фоизга юқори.

Меҳнат бўлимлари орқали ишга жойлаштирилган фуқаролар сони қуйидагича ифодаланади:

МИНГ КИШИ

---

<sup>\*)</sup> Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотига асосан.

